
**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН
ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН
ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ ВА ТАКТИК УСУЛЛАРИ**

Самандаров Шохрухмирзо Мирзахмат ўғли
Тошкент давлат юридик университети магистранти
E-mail: shohruhsamandarov98@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда амалга ошириладиган тергов ҳаракатлари ва тактик усуллар, уларнинг ўзига хос хусусиятлар, бу бора миллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимларнинг қараишлари ва соҳани ривожлантириш учун илгари сурилган таклифлар таҳлил қилинган.

***Калит сўзлар:** вояга етмаган шахс, тергов ҳаракатлар, сўроқ қилиш, юзлаштириш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тинтув, тактик усуллар.*

**СЛЕДСТВЕННЫЕ ДЕЙСТВИЯ И ТАКТИЧЕСКИЕ ПРИЕМЫ,
ПРИМЕНЯЕМЫЕ ПРИ РАССЛЕДОВАНИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ,
СОВЕРШЕННЫХ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИМИ**

Самандаров Шохрухмирзо Мирзахмат угли,
Магистрант Ташкентского
государственного юридического университета
Э-mail: shohruhsamandarov98@gmail.com

АННОТАЦИЯ

В данной статье проанализированы следственные действия и тактические методы, применяемые при расследовании преступлений, совершенных несовершеннолетними, их специфика, взгляды национальных и зарубежных ученых-правоведов и выдвинутые предложения по развитию отрасли.

***Ключевые слова:** несовершеннолетний, следственные действия, допрос, очная ставка, проверка показаний на месте происшествия, тактические приемы.*

INVESTIGATIVE ACTIONS AND TACTICS USED IN THE INVESTIGATION OF CRIMES COMMITTED BY MINORS

Samandarov Shokhrukhmirzo Mirzakhmat ugli,
Master student of Tashkent State University of Law
E-mail: shohruhsamandarov98@gmail.com

ABSTRACT

This article analyzes investigative actions and tactical methods used in the investigation of crimes committed by minors, their specifics, the views of national and foreign legal scholars and put forward proposals for development.

Keywords: *minor, investigative actions, interrogation, confrontation, verification of testimony at the scene of the incident, tactical techniques.*

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси ЖПКда ҳақиқатни аниқлаш, далилларни текшириш учун турли хил тергов ҳаракатлари ўтказилиши ва уларнинг тартиб белгиланган. ЖПКга ва назарий адабиётларга эътибор қаратадиган бўлсак, вояга етмаганлар содир этилган жиноятларни тергов қилишда ўтказиладиган асосий тергов ҳаракатлари қаторига сўроқ қилиш, ходиса содир бўлган жойини кўздан кечириш, экспертиза каби тергов ҳаракатлари киритилади.

Хусусан, Ғ.А.Абдумажидов[1] ва А.Г.Филлипов[2] ушбу туркумдаги ишларни тергов қилишда қуйидаги тергов ҳаракатларини ўтказишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди: ходиса жойини кўздан кечириш (дастлабки тергов ҳаракатларидан бири ҳисобланади); тинтув ўтказиш; вояга етмаган айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш, бундан ташқари вояга етмаганларнинг ота-онаси, тарбиячи ўқитувчилари, коллеж, лицей ёки мактаб раҳбарияти, маҳалла аъзоларидан бири ҳам вояга етмаган тўғрисида тўлиқ маълумот олиш мақсадида сўроқ қилиниши мумкин; агар сўроқ натижалари орасида қарама-қаршиликлар мавжуд бўлган тақдирда юзлаштириш тергов ҳаракати ўтказилади; вояга етмаганнинг аниқ ёшини билишнинг имкони бўлмаган ҳолларда суд-тиббий экспертизаси ўтказилиши мумкин; суд-психиатрик экспертизаси вояга етмаган шахснинг психик ҳолатини ўрганиш мақсадида тайинланади; суд- рухий ва рухий-психиатрик экспертизалари олдида ҳал қилиш учун одатда қуйидаги масалалар қўйилади: вояга етмаган шахснинг ақлий ривожланиш даражаси, ўсмирнинг ақлий ривожиди шу ёш учун хос бўлган меъёрий даражадан оғиш мавжудми, вояга етмаган шахс унинг

жисмоний ва руҳий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда шарт-шароитларни тўғри қабул қилиши ва улар тўғрисида тегишли, кўрсатма бериши мумкинми, вояга етмаган шахс ўз ҳаракатлари ва ўзига нисбатан содир этилган ҳаракатлар моҳиятини тўлиқ англаб етиши мумкинми, ўсмир ўз ҳаракатларини бошқариши мумкинми ва мумкин бўлса, қай даражада каби ҳолатлар.

Бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар эса, вояга етмаганларнинг жиноятлари бўйича асосий тергов ҳаракатларига ҳодиса жойини кўздан кечириш ва экспертизалар тайинлашни киритади. Хусусан, Р.С.Белкин бу борада қуйидаги таснифни таклиф этади: 1) ҳодиса жойини кўздан кечириш; 2) тинтув; 3) вояга етмаган гумон қилинувчини сўроқ қилиш; 4) вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилиш; 5) вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилиш; 6) вояга етмаганларнинг тарбияланишига масъул бўлган шахсларни сўроқ қилиш; 7) юзлаштириш тергов ҳаракати; 8) экспертизаларни тайинлаш.[3]

Н.П.Яблоков ҳам ҳодиса жойини кўздан кечириш, вояга етмаганларни сўроқ қилиш, гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш, тинтув каби тергов ҳаракатларини асосий тергов ҳаракатлари сифатида эътироф этади.[4]

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда, И.Ф.Герасимов, Л.Я.Драпкин ҳамда Б.Россинскаяларнинг қайд этишича, терговчи асосий эътиборини изларни аниқлаш ва ҳолатни ўрганишга қаратиши лозим. Мисол учун, ўғирланган товарларнинг хусусияти жиноятни вояга етмаган содир этган ёки этмаганлигини аниқлашга кўмаклашади. Вояга етмаганлар аксарият ҳолларда қуйидаги предметларга тажовуз қиладилар: а) шахсий истеъмолга мулжалланган озиқ-овқат маҳсулотлари; б) мотоцикллар, мопедлар, велосипедлар; в) ёшларбоп предметлар (замонавий урфдаги киим-кечаклар, магнитофон, компьютерлар); г) пуллар ва ҳ.к.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Вояга етмаганлар томонида содир этилган жиноятларни тергов қолишда ўтказиладиган навбатдаги тергов ҳаракати сўроқ қилишдир. ЖПКга эътибор қаратадиган бўлсак, вояга етмаган гумон қилинувчини, айбланувчини сўроқ қилишга кетган умумий вақт, кун давомида дам олиш ва овқатланиш учун бир соатлик танаффусни ҳисобга олмаганда олти соатдан ошмаслиги керак. Бундан ташқари, сўроқ қилиш дарҳол, бунинг иложи бўлмаган тақдирда, шахс ушланганидан сўнг 24 соат ичида сўроқ қилиниши лозим. Бундан ташқари ЖПКнинг 554-моддасига кўра, вояга етмаган гумон қилинувчини ёки айбланувчини сўроқ қилишда суриштирувчининг, терговчининг ёки

прокурорнинг ихтиёрига кўра ёхуд вояга етмаган гумон қилинувчи ёки айбланувчи ҳимоячисининг, қонуний вакилининг илтимосига биноан педагог ва (ёки) психолог иштирок этиши мумкин. У терговчининг рухсати билан айбланувчига саволлар беришга, сўроқ тутаганидан сўнг эса сўроқ баённомаси билан танишиб, баённомадаги ёзувларнинг тўғрилиги ва мукамаллиги ҳақида ўз фикрларини ёзма равишда беришга ҳақли. Бу ҳуқуқлар терговчи томонидан педагог ёки психологга вояга етмаган шахсни сўроқ қилишдан олдин тушунтирилади ва бу ҳақида сўроқ баённомасида қайд қилинади. Аммо амалиётда камдан кам ҳолларда педагог ёки психолог терговчи ёки прокурор томонидан ишда иштирок этиш учун жалб этилади.[5] Фикримизча, шу сабабли юқорида келтирилган нормага вояга етмаган гумон қилинувчини ёки айбланувчини сўроқ қилишда педагог ва (ёки) психолог иштирок этиши лозим деган жумла билна ўзгартирилса мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказишнинг тактик жиҳатларига эътибор қаратадиган бўлсак, Ғ.Абдумажидов фикрича, терговчи биринчи сўроққа тайёргарлик кўришда вояга етмаган ҳақида маълумотларга эга бўлиши, унинг руҳий ҳолатини эътибордан четда қолдирмаслиги ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб аниқ, лўнда, қисқа саволларни тайёрлаши лозим. Сўроқ жараёнида муаллиф қайд этишича, ота-оналарнинг иштирок этиши ижобий ҳолат бўлмай, вояга етмаганнинг руҳий ҳолатига босим ўтказилади, яъни ота-она олдида кўрқиш, уялиш хисларининг бўлиши вояга етмаганнинг бўлган ҳолатларни эркин сўзлаб беришига тўсқинлик қилади, шундан келиб чиқиб, сўроқ вақтида педагог ёки психологнинг иштирок этиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқорида келтирилган фикрга ўхшаш қараш Курмаев.Н.А ўзининг тадқиқот ишларида ҳам келтириб ўтган. Жумладан унинг фикрича, вояга етмаганларни сўроқ қилиш тергов ҳаракатида қонуний вакилнинг иштирокига нисбатан психологнинг иштироки кўпроқ ижобий натижа беришади. Сабаби аксарият ҳолларда, сўроқ жараёнида қонуний вакилнинг иштироки вояга етмаган шахснинг уялишига ҳамда саволларга атрофлича, аниқ жавоб бермаслиги олиб келиши мумкин. Аксинча, психологнинг иштироки эса, сўроқ қилиш жараёнида вояга етмаган шахс ва терговчи ўртасида ўрнатилган контактни сақланиб туришига ижобий таъсир кўрсатади.[6]

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 554-моддасига биноан вояга етмаганларни тергов қилиш чоғида албатта психолог иштирок этиши шарт қилиб белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда

ўтказиладиган кейинги тергов ҳаракатларидан бири — бу юзлаштириш тергов ҳаракатидир. Агар аввал сўроқ қилинган икки шахснинг кўрсатмалари орасида жиддий қарама-қаршиликлар бўлган ҳолатда улар ўртасида юзлаштириш тергов ҳаракати ўтказилиши мумкин. Амалиётда вояга етмаган шахслар юзлаштириш тергов ҳаракатига унчалик хоҳиш билдираверилмайдилар. Лекин шунга қарамасдан, бу тергов ҳаракатини ўтказиш айрим ҳолларда ҳақиқатни аниқлашнинг ҳал қилувчи усули бўлиб қолиши мумкин.

Хусусан, Т.В.Аверянова, Р.С.Белкин, Ю.Г.Корухов, Е.Р.Российская мазкур тергов ҳаракатини фақатгина жуда зарур ҳолларда камдан-кам ўтказиш лозимлигини, сабаби вояга етмаганларга бу тергов ҳаракатини унчалик ёқтирмаслигини айтиб ўтади. Бунинг сабабларига вояга етмаганнинг сотқин бўлиб қолиш ёки қасос олинишидан кўрқувни киритади. Шунингдек улар, юзлаштириш терговчи ва ўсмир ўртасида ўрнатилган психологик алоқанинг бузилишига олиб келишидан огоҳ этади. Шу сабабли амалиётда агар вояга етмаган айбланувчи ва бошқа иштирокчиларнинг кўрсатмаларидаги зиддиятни юзлаштиришдан бошқа усуллар билан бартараф этишнинг имкони бўлса, терговчи бошқа усулларни танлаши мақсадга мувофиқ.

И.Ф.Герасимов, Л.Я.Драпкин, Е.П.Ишенколар ҳам имкони борича юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказмаслик тарафдори бўлиб, улар ҳам худди шу ҳолатларни сабаб қилиб келтиради ва иложи борича бошқа усуллардан фойдаланиш маъқуллигини таъкидлаб ўтади. Агар бунинг иложи бўлмаса ва юзлаштириш ўтказилиши зарур бўлса, ушбу тергов ҳаракатини педагогнинг иштирокида амалга оширилиши кераклигини эътироф этади.

Юқорида келтирилган фикрларга қўшилган ҳолда айтишимиз мумкинки, юзлаштириш тергов ҳаракатида педагогдан кўра психологнинг иштироки анча самара беради. Сабаби юзлаштириш тергов ҳаракатида икки шахс ўз кўрсатмаларидаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш учун бир-бирини айблаши ёки бири иккинчисининг айбини уз буинига олишни бошлайди. Шунда уларни кузатиб тўғри хулоса чиқаришга фақат юқори малакали профессионал психологнинг имкони мавжуд. Амалиётда қийинчилик туғдирмаслик учун вояга етмаганлар ўртасида ушбу тергов ҳаракатини фақат алоҳида ҳолларда ўтказиш ҳамда унда психолог иштирок этиши зарур.

Вояга етмаган шахс томонидан ўғрилиқ, талончилик, босқинчилик ва бошқа шу туркумга кирувчи жиноятлар содир этилган ҳолларда тинтув тергов ҳаракатини ўтказиш тўғри ҳисобланади. Тинтув ўтказишда етмаганларнинг ёшга доир ўзига хосликларни инобатга олиб, биринчи навбатда уларнинг яшаш

жойларини текшириш, сўнг ўқиш ёки яқин дўстларининг яшаш жойларини кўздан кечириш мақсадга мувофиқ. Сабаби вояга етмаганлар одатда ўғирланган буюмларни уйларида ёки яхши таниш бўлган бошқа жойларда сақлайди.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш вояга етмаган шахснинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда жинойт ҳолатларини қайта тиклаш йўли билан текширишни англатади. Мазкур тергов ҳаракатини ўтказиш юзлаштиришни олдини олишнинг энг яхши усулларида бири хисобланади. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишдан қуйидаги мақсадлар кўзланади: кўрсатувлари текширилаётган шахсга маълум, суриштирувчи, терговчи ва судга эса номаълум бўлган нарсалар, ҳужжатлар, излар ва белгиларни тоғитиш; тўғри тергов ёки суд муҳокамаси давомида топишган нарсалар, ҳужжатлар, излар қаерда бўлганлигини кўрсатиб бериши; бир неча шахснинг айнаи бир ҳодиса тўғрисида берган кўрсатувларидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш учун ишда ҳақиқатли бўлган жой ёки йўналишни шахс кўрсатиб бериши; ҳолатларни қайта тиклаш ва ҳодиса содир бўлган жойдаги шароит билан қиёслаш орқали кўрсатувларнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлашдан иборат.

Мазкур ишга доир айрим ҳолларда эксперимент каби тергов ҳаракати ҳам ўтказилиши мумкин. Бунда айнан вояга етмаган шу жинойтни содир эта олганми, бунга унинг жисмоний ва ақлий имкониятлари етадими, бошқа иштирокчилар мавжуд бўлмаганми, жинойт содир этилишида бирор ким кўмаклашмаганми, катта ёшдаги шахс иштирок этганми каби саволларга жавоб топиш мумкин. Эксперимент бирор ҳодисани идрок қилиш, муайян ҳаракатларни бажариш, бирор ҳодисанинг содир бўлиш имкониятини текшириш учун ўтказилади. Аммо ҳар доим ҳам бу тергов ҳаракатини ўтказишнинг имкони бўлмайди, айрим ҳолларда кўрсатувлар ҳодиса содир бўлган жойда текширилгач ҳамма саволларга жавоб топилади ва экспериментнинг зарурати бўлмай қолади. Айрим ҳолларда эса мазкур тергов ҳаракати кўп сарф-ҳаражатни талаб этгани учун бунинг иложи бўлмай қолади.

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган фикр ва қарашлардан хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жинойтларни тергов қилишда қуйида асосий тергов ҳаракатлари амалга оширилар экан: сўроқ, экспертиза тайинлаш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, таниб олиш кўрсатиш, юзлаштириш. Шунингдек, мазкур турдаги жинойтларни тергов

қилиш қўйида тергов ҳаракатлари ҳам оширилар экан: тинтув, олиб қўйиш, эксперимент ўтказиш. Шунингдек, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда амалга оширадиган тергов ҳаракатларни таҳлил қилиш давомида баъзи бир тергов ҳаракатларини камдан кам ҳолларга амалга ошириш кераклигини гувоҳи бўлдик. Хусусан, бир қатор ҳуқуқшунос олимлар юзлаштириш тергов ҳаракатини фақатгина жуда зарур ҳолларда камдан-кам ўтказиш лозимлигини, сабаби вояга етмаганларга бу тергов ҳаракатини унчалик ёқтирмаслигини (сотқин бўлиб қолиш бўлиб қолиш ҳисси) ҳамда бунинг қоибагида терговчи ва ўсмир ўртасида ўрнатилган психологик алоқанинг бузилишига олиб келиши айтиб ўтган. Шу сабабли тергов вақтидаги бу каби қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида вояга етмаган шахсга нисбатан юзлаштириш тергов ҳаракати амалга оширишда доим психолог иштироки таъминлаши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз ҳамда ЖПКнинг 123-моддаси қўйидагича қисм билан тўлдирилиши лозим: вояга етмаганларнинг жиноятлари юзлаштириш тергов ҳаракати амалга оширилишида психолог иштирок этиши шарт.

REFERENCES

1. Abdumajidov G'.A. Kriminalistika. - T.: Adolat, 2003. - B.213.
2. Филипов А.Г. Криминалистика. – М.: Высшее образование, 2007. – С.441
3. Белкин Р.С. Криминалистика. - М.: НОРМА, 2001. - С.990.
4. Яблоков Н.П. Основы методики расследования преступлений, совершённых несовершеннолетними / Н.П. Яблоков // Криминалистика: Учебник.Т. 2 / Под общ. ред. А.И. Бастрыкина. – М.: Экзамен, 2014. – С. 459–464. с. 461–464
5. Durdona Ramazanova “Voyaga yetmaganlar tomonidan sodir etilgan jinoyatlarni tergov qilish uslubiyoti” 12.00.09 – Jinoyat protsessi. Kriminalistika, tezkor-qidiruv huquq va sud ekspertizasi kafedrasi Yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi
6. Курмаева Н.А. Проблемы участия специалиста-психолога в допросе несовершеннолетних подозреваемых и обвиняемых // Пробелы в российском законодательстве. – 2009. – № 1. – С. 146-148.